

Термиз туманиндағи боғчалар сони 108 тага етди



Туманимизда 3-7 ёшли болалар сони жами 7 660 нафар бўлиб, улардан 6 720 нафари мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган. Бугун ушбу қамровни янада ошириш мақсадида навбатдаги оиласвий боғча фаолиятини бошлади.

“Бахтли болажон” номли 83-сонли нодавлат оиласвий мактабчага таълим ташкилоти 25 ўринли бўлиб, болаларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча зарур шароитлар билан таъминланган.

Тантанали очилиш маросимида туман ҳокимининг ўринбосари Раҳматулло Тоғаев, маҳалла нуронийлари, соҳа масъуллари ҳамда боғча тарбияланувчилари иштирок этишди. Мехмонлар тантанали тадбирдан сўнг боғчада яратилган шароитлар билан танишишди.

Маълумот учун, туманда болаларни боғчага қамраб олиш даражаси 87,7 фоиз бўлиб, ушбу кўрсаткич вилоятимизда энг юқориси ҳисобланади.